

ИБН СИНО АСАРЛАРИНИНГ ТОЛЕДО МАКТАБИДА ҚИЛИНГАН ТАРЖИМАЛАРИ (дастлабки таржимонлик ишларига оид янги маълумотлар асосида)

Махмудов О.В.*

Жаҳон илм-фанининг энг йирик намоёндаларидан бири, Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон халқлари маданиятини дунё миқёсида кўтаришга улкан ҳисса қўшган буюк қомусий олим – Ибн Сино илмий меросини ўрганиш борасида ҳозирга қадар кўплаб изланишлар олиб борилиб, қатор илмий ишлар эълон қилинган. Бу ишларнинг аксарияти фундаментал тадқиқот даражасида. Бироқ, уларда аллома асарларини Европада таржима қилиниши хусусидаги, айниқса, дастлабки таржималари тўғрисидаги маълумотлар кўпинча умумийликка асосланган.

Бундан ташқари, мавзуга доир тадқиқотларда маълумотларнинг асосий қисми кўпинча ирландиялик арабшунос М. Уотт асарлари^[1]дан тасарруф этилади. Шундан келиб чиқиб, бу тур ишлардаги илмий далиллар бир-бирига ўхшаш – қайтариқлардир.

Юқоридаги сабаблар, мазкур соҳада чуқур илмий изланишлар олиб боришни тақазо этмоқда. Жумладан, XII асрда, Испанияда ташкил этилган Толедо таржимонлик мактаби фаолиятига назар ташланса, муассасада Ибн Сино билан бир қаторда Хоразмий, Фарғоний, Фаробий каби Мовароуннаҳрлик олимларнинг асарларини маҳаллий кастилия, яҳудий ва лотин тилларига ўғиртилганлигини кўриш мумкин. Ушбу таржималар орқали Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг илмий назариялари бугун Фарб мамлакатларига кириб борди ва минтақада янги илм-фаннинг шаклланишига замин ҳозирлаб, унинг кейинги тараққиётида дастуруламал вазифасини ўтади.

Кўйида, фикрларимизни Ибн Синонинг айрим асарларини Толедода таржима қилинишига оид тарихий далиллар билан аниқлаштиришга ҳаракат қиламиз. Айтиб ўтиш жоизки, ишимизни ёзишда асосан 1935 йилга қадар Испания^[2] ва Францияда^[3] эълон қилинган тадқиқотларга мурожаат қилинган бўлиб, улардаги маълумотлар минтақамиз илмий доирасига деярли жалб этилмаган.

Аввало, Толедо таржимонлик мактаби тўғрисидаги айрим маълумотларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Тарихий маълумотларга кўра, Толедо таржимонлик мактабини ташкил этилиши 1125-1151 йилларда Кастилия давлатининг канцлери ва архиепископ лавозимларида ишлаган Раймундо номи билан боғланади^[4]. Ушбу шахс шаҳарда “коллегиум” деб номланувчи таржимонлар гуруҳини тузди. Айтиб ўтиш жоизки, таржимонлик гуруҳининг ўзагини Европанинг турли мамлакатларидан келганлар ташкил этган. Мактабнинг шаклланишини 3 босқичга ажратиб мумкин:

I босқич – фақат аниқ фанларга доир асарларнинг таржима қилиниши ҳамда уларнинг тартибсиз равишда танлаб олингани билан характерланади. Бу даврнинг асосий таржимонлари – Батлик Аделард ва Педро Альфонсо. Хоразмийнинг “Зижи ал-Хоразмий” асари шу босқичда, аниқроғи 1126 йилда Аделард томонидан лотин тилига ўғирилган.

II босқич – бу даврда ҳам асосан аниқ фан соҳаларига тегишли асарлар таржима қилинган. Қизиқ жиҳати, таржимонлар тарқоқ ҳолда фаолият юритишган. Асосий таржимонлар қаторига Севильялик Иоанн, Испаниялик Иоанн, Доминик Гундисалви, Ибн Дауд ва бошқалар қиради. Мазкур даврдаги таржималарнинг асосий қисми юқорида номи тилга олинган архиепископ Раймондога бағишланган. Айни жиҳат, Толедо мактабининг тўла шаклланишида Раймондо исмли шахс муҳим рол ўйнаган деб хулоса қилишга асос бўлади. Фарғонийнинг “Самовий ҳаракатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида китоб” ҳамда Ибн Синонинг бир қанча асарлари айни шу даврда таржима қилинган. Бу хусусда кўйида батафсил тўхталамиз.

III босқич – таржимонларнинг жуфтлик тарзда, ҳамкорликдаги фаолиятлари эътиборга лойик. Фалсафага оид араб тилидаги асарларнинг таржималари мазкур даврда яратилган. Ушбу босқичда, Хоразмий ва Фарғоний асарларининг таржималари қайта ишланади. Фаробий ва Ибн Синонинг аниқ фанлар ва фалсафага оид асарлари дастлаб кастилия, сўнгра лотин тилига ўғирилган. Асосий таржимонлар – II босқичда кўрсатилганлар билан бир қаторда, асли итальян бўлган Кремоналик Герардо бўлган.

Толедо мактаби таржимонлари жами 100 га яқин араб тилидаги асарларни лотинчага ўғиритган^[5]. Қизиқ жиҳати, таржимонлар антик давр муаллифларининг асарларини, уларнинг араб тилидаги нусхалари ҳамда Марказий Осиёлик алломаларнинг қадимги юнон илмий меросини такомиллаштиришга қаратилган асарлари (яъни “Шархлар”) орқали ўрганишган. Бу ҳолат, ўрта асрда япаган европаликлар ўзларининг қадимги илмий тарихи билан айнан Марказий Осиёлик алломаларнинг асарлари орқали танишишга муяссар бўлганликларидан далолат беради.

Ишимизнинг асосий қисмида Ибн Синонинг айрим асарларини юқорида санаб ўтилган таржимонлар томонидан лотин тилига ўғирилишини, хронологик тартибда келтириб ўтамиз.

Илмий меросини 400 дан ортиқ асар ташкил қилувчи Ибн Синонинг ҳозирда 240 та асари Шарқ ва Фарб мамлакатларининг турли кутубхоналарида

* Махмудов О.В. – ЎЗМУ Тарих факультети “Умумий тарих” кафедраси магистри.

сақланмоқда. Алломанинг Толедо таржимонлик мактабида лотин тилига ўгирилган асарларидан биринчиси бу “Китоб аш-Шифо” дир. 1020 – 1032 йилларда Ҳамдон ва Исфохон шахрларида ёзилган асар 18 қисмдан иборат бўлиб, Ғарбда лотинча “Sufficientia”^[6] номи билан машҳур. Мазкур асар Толедо мактаби таржимонлари – Ибн Дауд ва Севильялик Иоанн томонидан лотин тилига ўгирилган. Таржима йили ноаниқ, бироқ, асарнинг лотин тилидаги илк нусхасига Avendeuth ва Avendeuch Israelite^[7] деб имзо чекилганлигига қараганда таржима 1125 – 1135 йиллар оралиғида амалга оширилган. Чунки, олиб борган тадқиқотларимиз натижасида аён бўлдики, Толедо мактабининг энг йirik вакилларида бири Севильялик Иоанн фақат 1135 йилгача ўз таржималарига лотинча “Avendeuch Israelite” деб муаллифлик имзосини қўйиб келган. Ижодининг кейинги йилларида эса таржимон “Johannes Hispalensis”^[8] имзосидан фойдаланади.

Маълумки, “Китоб аш-Шифо” асари турли фан соҳаларига оид маълумотларни ўзида қамраб олган. Эътиборли жиҳати, ушбу асарнинг психологияга оид қисми Толедо мактабида алоҳида китоб сифатида таржима қилинади ва у ўша даврларда лотинча “Liber de Amina” (“Рух ҳақида китоб”), “Opus egregium de Amina” (“Рух ҳақида ажойиб асар”), “Liber sextus naturalium” ёки “Liber sextus de naturalibus” (“Физиканинг олтинчи китоби”) номлари билан машҳур бўлган^[9]. Бу таржима Доминик Гундисалви (Gundisalvinus) ва Ибн Дауд (Avendeuth) томонидан 1152 – 1166 йилларда амалга оширилган. Биздаги маълумотларга қўра, Ибн Дауд асарни дастлаб Кастилия шаҳри диалектига хос дағал лотин тилига таржима қилади. Кейинчалик, Доминик Гундисалви бу таржимани қайта ишлаб классик лотин тилига ўтирган. Қизик жиҳати, Доминик “Рух ҳақида китоб” даги илмий назариялардан таъсирланиб “Рух ҳақида” номли асар ҳам ёзиб қолдиради^[10]. Бу ҳолатга, Ибн Сино илмий таълимнинг Ғарб илм оламига кўрсатган илк таъсири деб баҳо бериш мумкин.

Фанда, “Шайх ур Раис”нинг мазкур асарини лотин тилига Толедо таржимонларидан Испаниялик Иоанн (Johannes Hispanus) таржима қилган деган қараш ҳам бор. Мазкур мулоҳазани “Толедо. XII аср. Севильялик Иоанн” мақоласининг муаллифи Влада Бернар илгари суради. Бироқ, бу ҳақиқатга зид! Изланишлар вақтида қўлга киритилган маълумотдан қўринадики, Париж Миллий кутубхонасининг қўлёзмалар фондида XIII асрнинг 70 – 80 - йилларига алоқадор, 6286 рақами остидаги қўлёзма мавжуд. Унинг таркибида Ибн Сионинг “Рух ҳақида китоб” асарининг лотин тилидаги нусхаси ҳам бор: Таржимага “Gundisalvus” (Доминик Гундисалви) ва “Avendeuth” (Ибн Дауд) номи билан муаллифлик имзоси қўйилган. Мазкур қўлёзmani француз Мария-Тереза д’Альверни 1949 йилда топган бўлиб, олимпиа бу ҳақда махсус асар^[11] ҳам ёзади. Ўйлашимизча, “Толедо. XII аср. Севильялик Иоанн” номли мақоланинг муаллифи

келтирган маълумотдан бехабар.

Доминик Гундисалви Ибн Сионинг “Метафизикага шарҳлар” ва “Фалак ҳақида” номли рисоаларини ҳам мустақил равишда лотин тилига ўтиради. Иккала таржимага ҳам “Gundisalvo” деб таржимоннинг муаллифлик имзоси қўйилган. Ўтган асрнинг биринчи чорағида эълон қилинган илмий тадқиқотларда келтирилган маълумотларга қўра, “Метафизикага шарҳлар” асарининг таржима қилиниш санаси 1180 йил билан белгиланади.

Марказий Осиёлик буюк қомусий олимнинг энг йirik ҳамда машҳур асарларидан яна бири – “Тиб қонунлари” (“Китоб ал Қонун фит-тиб”) дир. Ўрта аср Шарқ медицина фанининг энциклопедияси ҳисобланувчи мазкур асар 1012 – 1020 - йилларда, аллома Журжон, Рай ва Ҳамдон шахрларида истекомда қилган вақтларда ёзилган. Асар таржимаси “Европадаги арабшунослар отаси” (“The father of Arabism in Europe”)^[12] номи билан машҳур бўлган Кремоналик Герардо (1114-1187)га тегишли. 1160 – 1187 йиллар давомида Толедо мактабида фаолият юритган Герардо “Тиб қонунлари” ни тўғридан-тўғри араб тилидан лотинчага таржима қилади. Тадқиқотлардан аён бўлдики, Толедо таржимонлари араб тилидаги асарларни дастлаб маҳаллий кастилия тилига ўтириб, сўнгра лотинчага таржима қилишган^[13]. Бироқ, ягона Герардогина араб тилидаги асарларни тўғридан-тўғри лотин тилига таржима қилиш имкониятига эга бўлган. Яна бир жиҳати, мазкур таржимон узоқ йиллар давомида Толедода араб тилидан дарс ҳам берган^[14]. Айтиб ўтиш жоизки, Герардо таржима қилган қўлёзмадан кўчирилган XV асрга тегишли бўлган “Тиб қонунлари”нинг нусхаси ҳозирги кунда Испаниянинг Севилья унйверситети илмий кутубхонасининг “Лотин тилидаги қўлёзмалар” бўлимида сақланмоқда.

1160 – 1187 йиллар оралиғида амалга оширилган таржима сабаб Европа халқлари Шарқ халқларининг тиббиёт соҳасидаги ютуқлари билан танишдилар. Асар таржимасининг китоб босиш ускунаси кашф этилгач, биричилардан бўлиб чоп этилгани ҳамда 1500 йилга қадар 16 маротабадан ортиқ нашр этилгани ҳам уни Ғарбда катта аҳамиятга эга бўлганлигидан далolat беради.

Шунингдек, Ибн Сионинг 1322 байтдан иборат “Манзума фит-тиб” деб номланган уржусасини ҳам Герардо “Cantica de Medicina” номи билан лотин тилига таржима қилади. Бу асрга кейинчалик испан арабларидан бўлган Ибн Рушд шарҳ ёзган. Мазкур шарҳ Армения де Блез томонидан лотинчага ўтирилади. Бироқ таржима Толедода эмас, балки Венецияда амалга оширилган. Ибн Сионинг бу асари ҳам “Тиб қонунлари” сингари то XVIII асрга қадар турли тилларга таржима қилиниб келинган. Жумладан, 1498 йилда унинг испан тилига қисқартирилган шеърый таржимасини шоир ва шифокор Франциско Виллялбос тайёрлаган бўлса, XVI асрда Жен Фошер асарни лотин тилига қайта таржима қилиб нашр этгирган. Кейинчалик, асар француз, инглиз, немис ва румин тилларига ҳам

ўгирилади.

Келтириб ўтилган маълумотлардан кўришиб турибдики, жаҳон илм-фани таракқиётига бекиёс хисса қўшган Марказий Осиёлик алломанинг илмий меросини Европада ўрганлишида Толедо мактабида фаолият юритган таржимонларнинг хизматлари катта бўлган. Мазкур муассасада олиб борилган

таржимачилик ишлари сабаб Европага Шарқ, хусусан, юртимизда шаклланган илмий назариялар кириб борди ҳамда у ердаги илмларнинг ривожланишида пойдевор вазифасини ўтади. Санаб ўтилган жиҳатлар мазкур таржимонлик мактаби тарихини янада чуқурроқ илмий тадқиқ этишни тақозо қилмоқда.

Адабиётлар:

1. Қаранг: Уотт У.М. Влияние Ислама на средневековую Европу. – М., 1976; Какма П. билан ҳаммуаллифликдаги Мусулманская Испания. – М.: Наука. 1976. (инглиз тилидан Дунаевский С.И. таржимаси).
2. Қискача солиштириш учун қаранг! Аҳадова М. Ўрта Осиёлик машҳур олимлар ва уларнинг математикага доир ишлари. – Т.: Ўқитувчи. 1983. – 93-95б; Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: Ўзбекистон. 1997; ва х.к.
3. Codera F. Estudios críticos de historia arabe-espanola, vol., Zaragoza—Madrid., 1903—1917; Altamira R. Historia de España y de la civilización española, 4 vol., Barcelona., 1911; Gomez Moreno M. Iglesias mozarabes. Arte español de los siglos IX—XIV. – Madrid., 1919; Asm Palacios M. Abenhazam de Cordoba y su Historia de las ideas religiosas, vol. 1, Madrid., 1927; González Palencia A. Historia de la literatura árabe-española. Barcelona., 1928; шу муаллиф – Historia de la España musulmana Barcelona., 1929; Garcia Gomez E. Bagdad y los reinos de Taifas, — «Revista de Occidente». – Madrid., 1934. – мазкур адабиётларнинг асосий қисми Испаниянинг Барселона (Universitat de Barcelona. www.ub.edu) ҳамда Севилья (Universidad de Sevilla. www.us.es) университетларининг кутубхоналарида мавжуд.
4. Lambert É. Toléde —Collection «Les Villes d'art célèbres». Paris., 1925; Lévi-Provençal É. L'Espagne musulmane au X-me siècle. Institutions et vie sociale. Paris., 1932; шу муаллиф- La civilisation arabe en Espagne. Paris., 1938., Troisième édition. – Paris., 1961. – Бу адабиётларнинг рус тилидаги таржималари ЎзР ФАнинг Асосий кутубхонаси фондида мавжуд.
5. Реале Дж., Антисери Д. Западная философия от истоков до наших дней. Т 2., Петрополис. 1994.
6. Фарғонийнинг бу асарини “Астрономия асослари” номи билан 1135 йилда Севильялик Иоанн лотин тилига ўтирган.
7. Фаробийнинг “Фанлар тўғрисида” номли асари Доминик Гундисалинус томонидан таржима қилинган. Кременлик Герардо эса алломанинг бир қанча “Шарҳлар”ини лотин тилига ўтирган.
8. Lévi-Provençal É. L'Espagne musulmane au X-me siècle. Institutions et vie sociale. Paris., 1932. P-25.
9. Уотт М. Влияние Ислама на средневековую Европу. – М.: Наука. 1976. – С 33.
10. González Palencia A. Historia de la literatura árabe-española. Barcelona., 1928. p-76.
11. Altamira R. Historia de España y de la civilización española, 4 vol., Barcelona., 1911. p-46.
12. Goichon's La philosophie d'Avicenne et son influence en Europe médiévale. Paris., 1951. P- 93.
13. Юқоридаги асар, 91 – бет.
14. Влада Бернар – хозирда Франция ва Швейцарияда истекомад қилувчи таржимон, астролог. Унинг “Толедо. XII век. Иоанн Севильский” номи мақоласи вертуал тармоқда катта кизиқишга сабаб бўлган. Асосан лотин тилидаги қадимий матнларни француз, инглиз ва рус тилларига таржима қилиш билан шуғулланади.
15. D'Alverny M.T. Un témoin muet des luttes doctrinales du XIII siècle... Archives d'histoire et littérature du money age, année. – Paris. 1949.
16. Afnan S.M. Avicenna. His life and works. – London., 1958. P- 261.
17. Крачковский И.Ю. Арабская культура в Испании. Москва., 1937. –С 24.
18. Afnan S.M. Avicenna. His life and works. – London., 1958. P- 261.
19. маълумот учун - Universidad de Sevilla. www.us.es

РЕЗЮМЕ

В данной статье даётся суждение о переводах некоторых трудов Ибн Сина которые сделаны в Толедской школе переводчиков. Кроме этого были остановлены также о влиянии научных теорий на Европу, выдвинутые ученым.

RESUME

In the article was written about interpretation of some works of Ibn Sina in Toledo translation school. In addition to is written about the theories of Ibn Sina which made a contribution to West science.